


Ҳабиб Темиров

МАКРМИ Ё МУҲАББАТ



СЕВГИ ҚИССАЛАРИ

ҲАБИБ ТЕМИРОВ

МАКРМИ
Ё МУҲАББАТ

ИККИНЧИ КИТОБ

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2013

Муҳаббатни ҳар биримиз беғубор, покиза, улуғ ришта, деб биламиз. Аммо бу олий туйғу манфаат, ҳатто жиноят учун хизмат қилиши ҳам мумкинми?! Ёки баъзан ўткинчи ҳою ҳавасларга берилиб, ҳақиқий севгини англай олмаймизми? Муҳаббат шу қадар маккормики, бизни не қўйларга солмайди?!

Ушбу ҳайрат, муҳаббат ва нафратга тўла асар саволларингизга жавоб беради, деган умиддамиз. Ва «Севги қиссалари»нинг иккинчи жилди ҳам қўлингизга етиб борганлигидан қувонамиз.

ISBN 978-9943-08-016-4

© Ҳабиб Темиров, «Макрми ё муҳаббат». «Янги аср авлоди», 2013 йил.

МАКРМИ Ё МУҲАББАТ

Ҳужм

Талабалик йилларимда бир фаранг киносини кўрган эдим. Янглишмасам, «Қонли тўй» деб аталарди. Унда ёш, хушрўй хуштор топган бойвучча аёлнинг қари эридан қутилиш йўлидаги ранжу коми хусусида ҳикоя қидинган эди. Ўшанда мен филмнинг воқеасидан кўра режиссёрнинг маҳорати, ижрочиларнинг ролни қойилмақом қилиб ўйнашига кўпроқ эътибор берган эканман.

Ҳаётда айнан шунга ўхшаш мана бу воқеада ўзим беихтиёр иштирок этиб турган чоғда мен бу ҳақда ёзиш, тасвирлашнинг ўзи нечоғлик оғир эканлигига шнонч ҳосил қилдим...

— Ўрнингиздан тулинг, суд келяпти!..

Меҳри темир панжара ортида ҳам худди ўша-ўша... бағоят гўзал эди. Шу топда унинг рангпар шзига қараб, болалигимда кўргаи яна бир филмни эсладим, «Чангда қолган гул»... Аммо бу ҳилқатни ҳозир чангда қолган гулга муқояса этиб бўлмасди. Наинкн гулга...

Меҳрини мен илк бор йўлда кўрган эдим. У билан қўшни шаҳарга қатновчи автобусда бирга кетганмиз. У олдинги қатордаги ўриндиқда экан, дафъатан эътибор қилмабман. Иттифоқо орқасига ўгирилиб менга катта-кагта кўзлариини бир лаҳза, синовчан қадаб ўтди. Ёнидаги йигит унга «Меҳри», деб мурожаат этгани учун исмини билиб олдим. Катта-катта кўлари кўксимга бир лаҳза қадалган эсада майин бир из қолдирди. Икки ёшнинг суҳбатига беихтиёр эътибор қилдим.

— Меҳри менинг муҳаббатим чин, ишонинг...

— Ишонганим билан...

— Сиз мени барибир олмайсиз, демоқчимисиз?

— Мен сизни кечирганман. Фақат... Энди унинг юзига қарамасангиз бўлди.

— Юзи қурсин унинг. Юзига ҳам, изига ҳам қарамайман...

Мен Меҳрининг ифодали гапиришидан адабиётчи бўлса керак, деб ўйладим. Йигит эса... афсуски, унинг юзини кўролмадим. У олдинга сал эгилиб, имкон қадар паст овозда гапиришга ҳаракат қилар, бироқ овози жарангдор ва ўктам бўлгани учун сўзларини ихтиёрсиз равишда тинглаб ўтирардим.

«Аслида уни ўша номардлиги учун қаматтириб юбориш керак эди. Аммо сизнинг шаънингизга ҳам доғ тушар эди...»

Гап авзоидан бу ерда нозик бир сир борлигини англадим. Шу боис суҳбатнинг давомини тинглаш энди ноқулай эди. Бунинг устига йигит овазини яна ҳам пасайтириб гапира бошлади. Мен «Гап ўғирлаш»ни йиғиштириб, ўз хаёлларимга берилдим.

Қарангки, орадан уч-тўрт ой ўтгач, тасодифан бир тўйда қатнашишга тўғри келди. Ким билсин бу тасодифмиди, ҳаётнинг мубҳам қонуниятими, ҳарқалай ўша никоҳ маросимига мени вилоят прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси мактабдош ўртоғим Абдували олиб борди.

— Яхши бир шогирдим уйланаяпти. Бирров бориб табриклаб келамиз...

Давра бағоят тўкис ва чиройли эди. Ёрқин чироқлар остида хушнуд чеҳралар. Давра тўридаги алвон гиламга «Ҳукмжон ва Меҳрининг висол оқшомига хуш келибсиз» деб ёзилган. Куёвнинг исми ғалатироқ эканда, деган фикр ўтди хаёлимдан. Келин Меҳри. Шошма-шошма, бу ўша Меҳри эмасмикан? Қарасам... худди ўзи! Узоқдан бўлса-да унинг гўзал қиёфасини аниқ кўрдим. Унга келинлик либоси жудаям ярашган. Яна ҳам очилиб, тиниқлашиб ойдай тўлишиб, порлаб турарди.

Бизни қўярда-қўймай тўрга, азиз меҳмонлар даврасига ўтқазиди. Куёвнинг отаси билан танишдик. Ўрта ёшлардаги хушчақчақ, қорамағиз одам экан. Гап

орасида «Ўглингизнинг исми нега бунақа», деб сўрадим. Кулди.

«Раҳматлик хотиним судья бўлиб ишлаган. Қай бир жиноят ишини кўраётиб, денг тўлғоқ тутиб қолган. Ана шунда ўзи ҳавас қилиб Ҳукм, деб қўйган. Ўзиям жа-а ҳукмфармо аёл эди бояқиш. Барвақтроқ ўтиб кетди... Лекин мана ўғлимиз онасининг изидан бориб, унинг орзу-ҳавасини рўёбга чиқараяпти...»

Менга табрик учун сўз беришди. Сал ширакайф-роқ бўлиб қолган эканманми, гапимнинг охирини жўнроқ ҳазилга айлантирдим, – Куёвимиз Ҳукмжон келинимиз Меҳрихонга бир умр асирликка ҳукм қилинсин, деганлар қўлларидаги қадаҳларини кўтаришларини сўрайман.

Автобусдаги сирли суҳбат ҳам, тўй ҳам, эҳтимол, маълум вақтдан сўнг ёдимдан чиқиб кетар эди. Чунки касбим тақозосига кўра турмуш чорраҳаларидаги бундай воқеаларга кўп дуч келганман. Бироқ,..

Бу гал ундай бўлмади.

Ўша куни тўйдан барвақтроқ турадигаи бўлдигу куёв билан келин ўтирган жойга бориб, Ҳукм билан хайр-хўш қилдик. Шу топда автобусдаги суҳбатни эсладим-у, Ҳукмнинг кўзларига қарадим. У бахтиёр эди. Унинг содда ва самимий нигоҳида қониқиш кўрдим. Бу қониқиш, эҳтимол, ўз орзусига эришганликдан ёки бир қизнинг шаънини сақлаб қолганлиги учун ўз виждоний бурчини бажарганликдан ва балким... Ҳарҳолда у шод, масрур эди. Иттифоқо келиннинг чеҳрасига разм солдим. Ҳарир чачвон ортида бир жуфт қора кўзлар голибона кулиб турарди. Оҳ, нечоғлик гўзал эди бу музаффар кўзлар. Билмадим, Меҳрихон кимнинг устидан қозонган ғалабаси гаштини сурмоқда эди? Ўша номард, бевафо йигитнингми ва ё соддадил қишлоқи йигит Ҳукмнингми?

Ўша тўйдан кейин бирон йил ўтдим, камроқми, бир куни терговчи дўстим Абдували ишхонамга ҳовлиқиб кириб келди.

— Ҳа, дўстим, тинчликми? Машқинг пастроқ кўри-нади?

Абдували терговчи бўлсаям адабиётга жуда қизиқар, шеърлар ёзар, давраларда Алишер Навоий, Гамлет монологларини қойил қилиб ижро этиб юрарди. Бу гал ҳам ўзи сезмаган ҳолдами ё азбаройи ҳаяжонланганиданми монолог ўқиб юборди:

— Э, сўрама, дўстим, мен... мен... писта пўчоғидан кема ясамоқчи бўлиб юрган эканман, мен... мен... адашдим.

— Ҳой, тушунтириброқ гапирсанг-чи, нима бўлди?

— Ҳалиги бола эсингдами, тўйига боргандик, ўша бола пора билан қўлга тушиб қамалди. Эҳ ифлос! Мен унга қанчалик ишонган эдим-а, қанчалик умидим катта эди я! Афсус...

— Эҳтимол туҳматдир? Ташкил қилингандир?

— Ҳамма бало шундаки, туҳмат ҳам эмас, ташкил ҳам қилинмаган. Ҳаммаси рисоладагидай. Ўзи сўраб, ўзи айтилган жойга бориб, айтилган ишни қилиб, катта миқдорда порани олаётганда қўлга тушган.

— Энди нима бўлади?

— Нима бўларди, кетди камида ўн йилга!..

Бу воқеанинг тасаввуримга тикандай санчилиб қолганига сабаблар ана шулар эди. Аммо қўлга кирган зирапчани игна билан кавлаб олиб ташлаш мумкин бўлгани сингари, хотирадаги ноҳуш воқеаларни ҳам унутиш мумкин. Мен ҳам шундай қилдим. Гарчанд бу осон кечмади. Ўзимни мажбур қилдим. Аввалига чинакам эркаклик, мардлик даъво этган бу шоввоз алаалоқибат номарднинг ишини қилиб ҳақли жазога мустаҳиқ бўлган экан. Эслаб ўтиришга арзимаиди. Аммо...

Кунларнинг бирида қуйидаги мазмунда мактуб олдим:

«Ассалому алайкум, муҳтарам муҳаррир! Ушбу мактубни туҳматга учраб қамалган, айни навқирон ёшида қоқ белидан синдирилган бир инсон ёзмоқда...»

Мактуб Ҳукмдан эди. У ўз хатида нопок инсонларнинг ифлос кирдикорларини фош этмоқчи бўлгани учун мудҳиш туҳматга учраганини ҳаяжон билан баён этганди. Хат охирида шундай жумлалар бор эди:

«Энг алам қиладиган жиҳати бу туҳматга мен ишонган, эътиқод қўйган одамлар ҳам алоқадор, деган шубҳа бор. Агар омон-эсон қутилиб чиқсам ҳам-масининг жазосини ўзим бераман...»

Бу сирли сўзлар мени ўйга толдирди. Биродарим Абдувалига қўнғироқ қилдим.

— Менга ҳам шу мазмундаги хат ёзган. Нимага шаъма қилаётганини тушунмадим. Аммо туҳмат, деганида жон борга ўхшаяпти. Унинг иши қайта тергов қилинаяпти. Агар чиндан ҳам туҳматга учрагани исботланса, оқланади...

— Таҳририятнинг аралашиши шарт эмасми?

— Ҳозирча йўқ. Зарур бўлса, ўзим айтаман...

Ҳукм оқланди. Абдували берган ҳужжатлар асосида газетамизда «Ҳақиқатнинг мунгли кўзлари» сарлавҳали мақола чиқардим. Уни таҳририятда бир муддат ишлаб, бош муҳаррир билан чиқишолмай бўшаб кетган, ҳозир адвокатлик қилиб юрувчи «ҳуқуқшунос журналист» Хондамир Бакирдан бошқа ҳамма мақтади. Хондамир Бакир кўзини лўқ қилиб «Юзаки ёзилган», деди. Мен эътибор қилмадим.

Мақола чиққанидан кейин кўи ўтмай таҳририятга бир қария кириб келди. Ҳам юки қаддини эгиб, юзларига тарам тарам ўчмас излар солган бу одамни қаердадир кўргандек бўлдим.

— Мен... Мен... Мен Ҳукмжоннинг отаси Мухлис академик ман-ку, муҳарриржон, наҳотки танимадингиз?..

— Э-э, узр, оқсоқол, — дедим каловланиб. — Сал ўзгарибсиз...

— Э, сал дейсизми, бу Ҳукмнинг дарди мени адо қилди, укажон.

— Яна нима бўлди? Ахир Ҳукм қамоқдан чиқди-ку?

Оқсоқол оғир тин олди. Кўзларидан ёш қуйилди. Ингранди.

— Хўш... йўқолиб қолди, укажон. Ўч кунки, дараги йўқ.

— Хотини нима дейди?

— Ярим кечаси чиқиб кетган эди, қайтиб келмади, дейди.

— Милицияга хабар қилишганми?

— Милиция қидирапти, бормаган фолбинимиз, сўрамаган жойимиз қолмади. Сиздан илтимос қилиб келдим. Расми билан газетага чиқарсангиз, бирон дарак топилармикан?

— Майли, оқсоқол, албатта, чиқарамиз.

Отахонга далда бериб кузатдим. У қолдириб кетган суратга разм солдим. Ҳукмнинг кўзлари. Худди ўша, мен тўйда кўрган хотиржам, содда ва самимий нигоҳ.

Абдувалига қўнғироқ қилдим:

— Ҳукм йўқолган экан, бир оғиз айтмабсан, – деб ўпкаладим. У индамади. Газетага чиқармоқчи эканимизни айтдим.

— Энди ҳожати йўқ, – деди у оғир тин олиб.

— Нега?

— Ҳукмни... унинг жасадини бугун топдик. Ота-онасига хабар бериб улгурганимиз йўқ. Ҳозир текшириш кетяпти.

— Қаерда экан? Нима бўлган экан?

— Ўлдириб, каналга ташлашган экан.

— Ким?

— Буни ҳозир айтишим қийин. Тергов жараёнида маълум бўлади.

Ногаҳон Ҳукмнинг мактубидаги сирли жумлалар ёдимга келди. Беихтиёр сўрадим.

— Хотини... алоқадор эмасми?

— Аниқлаяпмиз. Хотини ҳам ҳибсга олинган...

Мен Абдувалга дабдурустдан берган саволим учун ўзимни койидим: гумон имондан айиради, деган гап

бор. Наҳотки, Меҳри ўзини жондан севган, энг огир вазиятдан қутқарган мард бир йигитнинг юзига оёқ босса. Йўқ! Меҳри бегуноҳ бўлиши керак. Меҳридай гўзал аёл бундай қаттол жиноятга қодир эмас...

— Ўрнингиздан туринг, суд келяпти.

Меҳри чиндан ҳам гўзал эди. Ҳибс азоби унинг чиройини яна ҳам орггирган эди. Мен уни дастлаб Чўлпоннинг «Кеча ва кундузидаги Зебига, кейин Л. Толстойнинг «Тирилиш»идаги Катеринага ва яна кимларгадир ўхшатдим. Шу муқоясаларим баробарида унинг гуноҳсизлигига ишондим. Ҳақиқат юзага чиқади, Меҳри оқланади, деб кутдим.

Суддан бир муддат олдин Абдували бўлган воқеани қисқача айтиб берганди:

— Меҳрининг Ҳукмдан олдин юрган йигити бўлган. Тахминга кўра, у Ҳукмнинг қамалишига ҳам алоқадор. Ҳукм буни кейин тушунган. Оқланиб чиққанидап кейини у нимадир қилмоқчи, қайсидир йўл билан қасос олмоқчи бўлган, шекилли. Буни сезиб қолган рақиб қотил ёллаган. Қотил кечаси Ҳукмнинг ҳовлисига кириб, уни сўрида ухлаб ётган жойида ри... Дарвоқе, у исмининг Афифа эканини кейинроқ айтади. Ҳозир эса Субут унинг бутун борлиги мана шу бир жуфт кўзда акс этганини англагандек бўлди. Гарчанд, қошу киирикларининг қўнғир тусида ҳам бир мунислик бордек эди... Баҳор охирлаётган кезларидаги қирлардаги майсанинг қаҳрабо товланиб, гармселда офриниб, чайқалишига этибор берганмисиз? Унда зумрад баҳорнинг мунгли алвидоси, маъюс бир куй таралгандек бўлади. Афифанинг киприклари пирпирашига қараб, ўша ташбиҳ беихтиёр ёдига тушди. Бу пирпирашда аянчли қисматидан ўкинчли эмас, бу қисматни англашга бўлган содаларча уринишни илғади.

Бу уриниш унинг болаларча бепарво қимтилган нозик ва нечоғлик нафис лабларида, қандайдир ажабсиниб, енгил чимирилган ингичка қошларида, ҳар



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/2256> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2256> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2256>